

Истиффорни кўп айтинг



07:10 / 10.05.2019 2297

Абул Фараж Ғойс ибн Али айтади: «Қори Абул Ҳасан Оқулийни тушимда кўрдим. У жуда яхши ҳолатда эди. «Аҳволингиз қалай?» деб сўрадим, «Аҳволим яхши», де-ди. Мен ундан сўрадим:

- Сиз вафот этмаганмидингиз?
- Вафот этгандим.
- Ўлим қанақа экан?
- Яхши, - деди у хурсанд бўлиб.
- Гуноҳингиз кечирилиб, жаннатга кирдингизми?
- Ҳа.
- Қайси амал манфаатлироқ экан?
- Ҳеч нарсанинг манфаати истиффорчалик эмас экан. Истиффорни кўп айтинглар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан